

12-1-2018

EFFICIENCY ANALYSIS OF JOINT-STOCK COMPANIES

U. Yakubov

Tashkent Financial institute

T. Jumaboev

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Yakubov, U. and Jumaboev, T. (2018) "EFFICIENCY ANALYSIS OF JOINT-STOCK COMPANIES,"
International Finance and Accounting: Vol. 2018 : Iss. 5 , Article 24.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/24>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**Якубов У. – ТМИ, доцент, и.ф.н.
Т.Жумабоев – ТМИ, талаба**

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ

Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашнинг илмий формулалари, миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳолашнинг ёндашувларига эътибор қаратилган. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар буйича илмий қарашлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: акциядорлик жамиятлари, хўжалик юритувчи субъектлар, самарадорликни баҳолаш кўрсаткичлари, рентабеллик, кредиторлик қарзларининг айланиш даври

В статье говорится о показателях эффективности деятельности хозяйствующих субъектов. А также, рассмотрены подходы к научные формулы для определения показателя эффективности, количественной и качественной оценки. Изложены взгляды на оценку показателей эффективности деятельности хозяйствующих субъектов

Ключевые слова: акционерное общество, хозяйствующие субъекты, оценка показателей эффективности деятельности, рентабельность, период вращения кредиторного долга

The article talks about the indicators which evaluate efficiency of business entities activity. Moreover, approaches of scientific formulas for determining efficiency indicators, quantitative and qualitative assessments. There was analyzed scientific views on the indicators which evaluate efficiency of business entities activity.

Key words: Stock company, business entities, indicators evaluating efficiency, profitability, circulation period of creditor debts

Кириш

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий рақобатдошлигини ошириш, тўғри молиявий сиёсатни юритиш, фойдани максималлаштириш, капитал таркибини оптималлаштириш; молиявий барқарорлигини ўстириш, мулкдорлар (қатнашчилар, таъсисчилар), инвесторлар ва кредиторлар учун инвестицион жозибадорлигини ошириш, корхона бошқаруви юзасидан самарали механизмни шакллантиришни, шунингдек, молиявий ресурсларни жалб этишда бозор механизмнинг барча имкониятларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳудудларда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг зарурий жиҳатлари хусусида Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев: “...хусусийлаштирилган корхоналар мавжуд улкан иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда

ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспортни жадаллаштириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш ҳисобига улар иқтисодий ўсишнинг локомотивлари бўлиб қолишлари керак” – дея таъкидлаб ўтган эдилар[1]. Шу аснода, хўжалик юритиш субъектлари фаолиятини молиявий таҳлили уларнинг самарали фаолиятинийўлга қўйишда муҳим дастаги сифатида қаралади.

Адабиётлар таҳлили

"Рентабеллик – корхона фойдалилик даражасини характерлайди"[2]. А.В.Ваҳобов, Н.Ф.Ишонқулов ва А.Т.Иброҳимов фикрларига кўра, рентабеллик кўрсаткичлари фоиз ўлчов бирликларида ҳисобга олинган.

Кредиторлик қарзларининг айланиш даври эса бевосита маҳсулот сотишдан тушумга нисбати билан изоҳланган бўлиб, иқтисодий адабиётларда маҳсулот таннархи билан боғланган[3].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли Қарори билан акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият самарадорлигини белгиловчи асосий ҳамда қўшимча кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган (1-жадвал).

1. Асосий кўрсаткичлар:

1.1. Фойда EBITDA. (EBITDA — Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation & Amortization; Фоиз, солиқ ва амортизация ажратмаларини ҳисобга олмаган фойда). Кўрсаткич корхонанинг молиявий ҳисоботлари асосида ҳисоблаб чиқилади ва амортизация ажратмаларини ҳисобга олмаган ҳолда корхона фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун ишлатилади. Бу кўрсаткич бухгалтерия стандартларининг бир қисми эмас. Аслида қарзга олинган маблағларни сарфлаш бўйича битимларнинг жозибадорлигини таҳлил қилишга мўлжалланган. Агар, EBITDA мусбат бўлса, корхона ижобий фаолият кўрсатаётган бўлади ва кредиторлик ёки давлат қарзларини тўлаш учун имконияти борлигини кўрсатади. Агар, кўрсаткич нолга тенг ёки манфий бўлса, компания зарарга ишлаётгани ва чоралар кўриш кераклигини англатади. EBITDA динамикасини кузатиш ва уни оширишга қуйидгилар орқали эришиш мумкин: харажатларни қисқартириш, фойда ва даромадни ошириш, кўпроқ миқдорларни жалб этиш ва бошқалар.

1.2. Харажат ва даромаднинг нисбати коэффициенти - K_n (CIR — Cost Income Ratio). Ушбу кўрсаткич корхона харажатларининг унинг даромадидаги улушини кўрсатишга мўлжалланган. Бу нисбат инвесторларга фирманинг қанчалик самарали ишлашини аниқ белгилаш имконини беради. CIR қанчалик паст бўлса, корхона даромадлари шунчалик кўп бўлади. Даврлар оша ушбу нисбат кўтарилиб борса, бу корхона харажатлари даромадларга нисбатан тезроқ ўсаётганлигини англатади;

1.3. Жалб қилинган капитал рентабеллиги - P_k (ROCE — Return on Capital Employed). Бу кўрсаткич корхонанинг мажбуриятларидан олинган даромаднинг қийматини аниқлаш учун ишлатилади. Умумий ҳолда, бу корхонанинг ишлаши учун зарур бўлган капиталдир. Қиймат қанчалик баланд бўлса, корхона шунчалик яхши ишлаётганини кўрсатади.

1.4. Акционер (хусусий) капитал рентабеллиги – P_x (ROE — Return On Equity). Бу кўрсаткич корхоннинг ўз капиталидан олинган даромаднинг қийматини аниқлаш учун ишлатилади.

1.5. Акционер инвестициясининг рентабеллиги – P_n (TSR — Total Shareholders Return). Умумий аксиядорлар даромади. Ушбу индикатор аксиядорлик жамиятлари акцияларининг ўзгариши ва дивидендларни ҳисоблаш натижасида акциядорлар даромадларининг нисбатини англатади.

1.6. Активлар рентабеллиги - P_a . Ушбу кўрсаткич корхона активларининг фойдалилик даражасини ҳарактерловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Активлар рентабеллиги ҳар бир сўмлик активга тўғри келадиган солиқлар тўлангунга қадар фойда суммасини ифодалайди.

1.7. Мутлоқ ликвидлик коэффиценти – K_l . Ушбу кўрсаткич тўлов қобилиятининг қатъий меъёри қисқа муддатли мажбуриятларни дарҳол мавжуд пул маблағлари билан қопланишидир. Коэффициент қанча юқори бўлса, қарзни узиш кафолати шунча юқори бўлади. Оз миқдордаги маблағга эга бўлиб, пул маблағларини кирими ва чиқимини муддати ва миқдорини назорат қилиш орқали баланс ликвидлигини таъминлаган ҳолда корхона доимий равишда тўловга қодир бўлиши мумкин.

1.8. Молиявий мустақиллик коэффиценти – K_m . Бу кўрсаткич корхонанинг ҳаракатда банд қилинган маблағининг қанча қисми ўзига тегишли эканини билдиради. Молиявий мустақиллик коэффиценти мулкнинг нисбий даражасини тавсифлайди. Яъни ҳаракатдаги ҳар бир сўмнинг қанча қисми ўзига тегишли эканини билдиради. Бу коэффициент қанчалик бирга яқинлашиб боради, корхоннинг мустақиллиги шунчалик ортиб боради.

1.9. Кредиторлик қарзларини айланиш даври, кун – D_k . Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, деганда қарз мажбуриятларини тўлаш муддати тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин дебиторга қайтарилиш даврини ҳарактерлайди.

1.10. Дебиторлик қарзларини айланиш даври, кун – D_d . Дебиторлик қарзларининг айланиш даври, деганда қарз мажбуриятларини ундириб олиш муддати тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин нақд пулга айланиш даражасини ҳарактерлайди.

1.11. Қоплаш коэффиценти (тўлов қобилияти) – K_k . Жорий қарзларнинг қанча қисми жорий активлар билан қопланишини, жорий мажбуриятларнинг ҳар сўмига неча сўмлик жорий активлар қиймати тўғри келишини ва жорий мажбуриятларни жами айланма маблағлар билан қопланиш даражасини ифодалайди.

1.12. Оддий акцияларнинг даромадлиги - D_d . Бу ташкилотнинг соф фойдасининг оддий аксиялар бўйича дивидендлар тўлашга йўналтирилганлигини кўрсатади. Бу даромад миқдори, яъни, ташкилот устав капиталининг қийматини ҳисобга олмаган ҳолда аксиядорлар даромади.

1.13. Дебиторлик қарзларини пасайиши (қўйилган масалага нисбатдан фоизда).

Давлат улушига эга акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичларнинг аниқланиши

№	Кўрсаткичлар	Аниқланиши:	
		меъёрий ҳужжатларда	молиявий таҳлилга оид иқтисодий адабиётларда
1.	Фойда EBITDA. (EBITDA — Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation & Amortization; Фоиз, солиқ ва амортизация ажратмаларини ҳисобга олмаган фойда)	$EBITDA = БФ + АА + ФС$	
2.	Харажат ва даромадни нисбати коэффициенти (CIR — Cost Income Ratio)	$K_H = ОХ/СТ$	
3.	Жалб қилинган капитал рентабеллиги (ROCE — Return on Capital Employed)	$P_K = CФ/ЖК$	$P_K = (CФ/ЖК) \times 100$
4.	Акционер (хусусий) капитал рентабеллиги (ROE — Return On Equity)	$P_x = CФ/ХК$	$P_x = (CФ/ХК) \times 100$
5.	Акционер инвестициясининг рентабеллиги (TSR — Total Shareholders Return)	$P_u = (A_1 - A_0 + T_\partial)/A_0$	$P_u = ((A_1 - A_0 + T_\partial)/A_0) \times 100$
6.	Активлар рентабеллиги	$P_a = БФ/ЖА$	$P_a = (БФ/ЖА) \times 100$
7.	Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	$K_d = ПМ/ЖМ$	$K_d = ПМ/ЖМ$
8.	Молиявий мустақиллик коэффициенти	$K_M = (ХК/(МЖ - УМ))$	$K_M = (ХК/(МЖ - УМ))$
9.	Кредиторлик қарзларини айланиш даври, кун	$D_K = КК \times ХД/СТ$	$D_K = КК \times ХД/ТН$
10.	Дебиторлик қарзларини айланиш даври, кун	$D_d = ДК \times ХД/СТ$	$D_d = ДК \times ХД/СТ$
11.	Қоплаш коэффициенти (тўлов қобилияти)	$K_K = АЖ/(ЖМ - УМ)$	$K_K = АЖ/(ЖМ - УМ)$
12.	Оддий акцияларнинг даромадлиги	$D_d = O_d \times O_c / CФ - И_d$	$D_d = O_d \times O_c / CФ - И_d$
13.	Дебиторлик қарзларини пасайиши (қўйилган масалага нисбатдан фоизда)	Кўрсаткичларни фарқлаш асосида аниқланади	Кўрсаткичларни фарқлаш асосида аниқланади

Бунда,	БФ	-солиқ тўлангунга қадар фойда;
	АА	-узоқ муддатли активларнинг амортизация суммаси;
	ФС	-фойдадан солиқ тўловлари;
	ОХ	-операцион харажатлар;
	СТ	-махсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум;
	СФ	-соф фойда;
	ЖК	-жалб қилинган капитал;
	ХК	-хусусий капитал;
	А ₁	-йил охирига акция баҳоси;
	А ₀	-йил бошига акция баҳоси;
	Т _д	-ҳисобот давридаги дивидент тўловлари;
	ЖА	-жами активлар;
	ПМ	-пул маблағлари;
	ЖМ	-жорий мажбуриятлар;
	МЖ	-жами мажбуриятлар;
	УМ	-узоқ муддатли мажбуриятлар;
	КК	-кредиторлик қарзлари;
	ХД	-ҳисобот даври (30,60,90...360);
	ДК	-дебиторлик қарзлари;
	АЖ	-жорий активлар;
	О _д	-битта оддий акцияга ҳисобланган дивиденд;
	О _с	-оддий акциялар сони;
	И _д	-имтиёзли акцияларга ҳисобланган дивиденд.

Таҳлил ва натижалар

Илмий изланишларга кўра, давлат улушидаги акционерлик жамиятлари ва хўжалик юритиш субъектлари фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичларнинг аниқланишида нисбатдан ноаниқликлар юзага келган. Хусусан, илмий адабиётларда рентабеллик кўрсаткичлари фоизда ҳисобга олинган. Шу сабабдан, рентабеллик кўрсаткичларини 100 га кўпайтириб, фоизда инобатга олинишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, хўжалик юритиш субъекти фаолиятининг самарадорлигини белгилашда, кўрсаткичларнинг мазмунан тўғри боғланиши ва аниқланиши ҳам муҳим ўрин тутади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида, кўрсаткичлар аниқланишини бир ҳил кўринишга келтириш ва ушбу кўрсаткичларни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда кенг қўллаш орқали уларнинг фаолиятига баҳо бериш ҳамда шу аснода улар устидан текширув даврини оптимал даражага келтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 18-апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга

қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2897 – сонли қарори

2. Молия ва бошқарув таҳлили / Дарслик: А.В.Ваҳобов, Н.Ф.Ишонқулов, А.Т.Иброҳимов; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент молия институти. — 3-қайта ишланган ва тўлдирилган наشري. –Т.: “Иқтисод-Молия”, 2013.– 394-б.

3. Иқтисодиёт субъектларини молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма / Раҳимов М.Ю. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент молия институти. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2013. – 55-б.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарори

5. Иқтисодий таҳлил назарияси / Ўқув қўлланма : Б.Ж.Ҳакимов [ва бошқалар]; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент молия институти. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2013. – 240 бет.

6. Иқтисодий таҳлил назарияси / Дарслик: Н.Ф.Ишонқулов ва бошқалар. Т.: “Sano-standart”, 2014-йил, 336 бет.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2014-йил 18-февралда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни

8. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

9. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикасининг Молия Вазирлиги

10. www.uza.uz – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги